

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси

**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

(Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида давлат ва
ҳуқуқ асослари фанларидан дарс берадиган ўқитувчилар ҳамда барча тоифадаги
малака ошириш курслари тингловчилари учун)

УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА



Самарқанд – 2013

Н.Умарова. Ўқувчи-ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўргатишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш. Услубий тавсиянома. СамВПКҚТМОИ. 2013. 20 бет.

Ушбу тавсияномада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратилишининг асосий сабаблари, моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, унинг тузилиши, мақсади ва асосий принциплари ёритилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган кўшимча ва ўзгартиришлар, улардан кўзланган мақсадлар замонавий педагогик технологиялар асосида очиб беришга ҳаракат қилинган.

Мазкур тавсиянома умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ижтимоий фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар ҳамда барча тоифадаги малака ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган.

Тузувчи: **Н.Умарова** ВПКҚТМОИ ассистенти.

Такризчилар: **О.М.Ғайбуллаев** СамДУ доценти, ф.ф.д.

Д.И.Худойқулов ВПКҚТМОИ катта ўқитувчиси.

Мухаррир: **А. Шерхолов.** “Зиёкор” илмий, услубий, ижтимоий ва адабий - бадиий журнали бош муҳаррири.

ВПКҚТМОИ Илмий кенгашининг 2013 йил 25 июндаги йиғилишида кўриб чиқилган ва 2/3-сонли қарор билан нашрга тавсия этилган.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдидан тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир

Ислом Каримов

КИРИШ

Аждодларимиз азалий орзуси – мустақиллик - ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи қўлга киритилди. Бу йилларда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини бунёд этиш учун зарур замин яратилди.

Янги минг йиллик боши XXI аср –ўзбек халқи учун Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш ва инсон ҳуқуқлари устувор бўлган фаровон ҳаёт куриш асри бўлади. Бу борада жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари кенг кўламда изчил амалга оширилмоқда.

Келажаги буюк Ўзбекистонни яратишга ҳисса қўшиш шу Ватан фарзандларининг зиммасига улкан масъулият юклайди. Юксак масъулиятни англаб, жамиятда ўрнатилган тартиб ва интизомга амал қилиб яшаш ҳуқуқий давлатга хос хусусият ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Бунинг учун ҳаётда ҳуқуқий давлатга хос белгилардан бири бўлмиш Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият бўлиши, масъулият ва мажбуриятни ҳис қилиб яшаш тарзи қарор топиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – олий юридик кучга эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Мустақиллик Конституцияси давлатимиз мустақиллигининг улкан рамзи бўлиб, унда ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз акс этади. Конституция ҳуқуқ тизимининг бирламчи асосидир. У ҳуқуқ тармоқлари бирлигини, ўзаро мувофиқлигини ҳамда ҳаракатланиш принципларининг ягоналигини таъминлайди. Ҳуқуқий давлат яратиш сари ривожланиб бораётган давлатимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаб бориш муҳим вазифалардан саналади. Конституциянинг устуворлиги эса, ҳар биримиздан улкан ҳуқуқий масъулиятни талаб этади. Яъни бу масъулият Конституция ва қонунларни билишни, уларга амал қилиб яшашни тақозо этади. Бу Конституцияни ўрганиш зарурлигини белгилайди. Чунки уни ўрганиш Конституция мазмунини ифодаловчи ҳуқуқий қоидалар, уларга онгли равишда амал қилиб яшаш ва қонун устуворлигига эришишнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш зарурлигини инобатга олиб, 2001 йил 4 январда Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди.

Асосий қонунимизда белгиланган нормаларнинг ҳаётда амалий ифода топишида ўсиб келаётган ёш авлоднинг Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳуқуқий билимга эгаллиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятнинг юксаклиги муҳим рол ўйнайди. Фақат ҳуқуқий билимли бўлишнинг ўзи етарли эмас, шу билан бирга эгалланган билимларни ҳаётда қўллай олиш маданиятини ҳам ўзимизда тарбиялаб боришимиз керак. Чунки ҳуқуқий билим ва уни амалда қўллаш маданияти ҳуқуқий-маънавий қиёфамизни кўрсатувчи мезондир.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ, АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистонда истиқлол йиллари давомида мустақил миллий давлатчилик шаклланди. Озод ва суверен давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Конституцияси халқимиз умумий тафаккурининг маҳсулидир, унинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини акс эттиради. У суверен республикаимизнинг истиқболли тараққиёти учун юксак даражада хизмат қилади. Конституция халқ манфаатларига мос равишда жамият ривожланишининг ҳуқуқий асосларини вужудга келтирди, инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оила учун муносиб ҳаётни, барча фуқаролар учун ишончли келажакни кафолатлайди. Бу чуқур ўзгаришларда суверен Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституция муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил изланиш натижаси бўлиб, у ҳақиқатдан ҳам мустақиллик ва озодликка умумхалқ интилишини ўзида ифодалаган. Қонун чиқарувчи органимиз конституциявий бинони кура туриб, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган давлатчилигимиз тажрибаларига таянган. Шарқ ва Ғарбнинг турли мамлакатлари томонидан тўпланган илғор конституциявий тажрибаларни қабул қилган.

Республикаимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Конституцияси жаҳон конституциявий харитасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. У Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқнинг иродаси, рухияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция, авваламбор, умуминсоний кадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги принципига амал қилади. Унда бирор синфий мафкуранинг чекланиши, синфларнинг қарама-қарши қўйилиши, партияларнинг ҳукмронлиги йўқ. Шунингдек, давлатнинг фуқаролар устидан тазйиқ ўтказувчи ҳукмронлиги ҳам йўқ. Конституция инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг инсон ҳаёти, шахси ва эркинликларининг дахлсизлиги каби деярли барча принципал қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Конституцияда кўп миллатли мамлакатимизда умумий мустаҳкам ахлоқий ва ҳуқуқий ҳудуд яратиш ғояси ўрин олган”¹.

Ўзбекистон Конституцияси халқимиз умумий онгининг натижасидир, чунки у халқнинг интилишлари, орзулари, умидларини акс эттирган. У суверен республика прогрессив ривожланишининг конституцияси деган юксак номга тўла мос тушади. Конституция халқнинг манфаатларидан келиб чиқиб, жамиятимизнинг ҳуқуқий асосларини яратади, инсон ҳуқуқлари, ҳар бир оиланинг барқарорлиги ва муносиб ҳаёт кечиришини, бутун Ўзбекистон халқининг ишончли келажагини кафолатлайди. Халқ ўзи танлаган янгиланиш, тараққиёт йўлида яшаши ва меҳнат қилиши шарт бўлган шундай конституцияга муносибдир. Ўзбекистон Конституцияси жаҳон конституциявий фондига таркибий қисм сифатида киради. У умумжаҳон тарихий конституциявий жараённинг яхлидлигини, халқлар ва маданиятларнинг ўтмишдаги ўзаро

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.Т.,1996.125-б.

алоқаларини ва бунда-мамлакатнинг ривожланишида ўзига хосликлар борлигини ҳамда унинг бутун инсоният умумконституциявий ҳуқуқий маданиятига алоҳида улуш қўшганини тасдиқлади.

Ўзбекистон Конституцияси – бу мамлакатнинг ривожланишида давлат, жамият, маданий-маънавий эҳтиёжлар ва барқарор конституциявий ривожланишга бўлган жаҳон тажрибаларининг ижодий бирлигидир. У қадриятларнинг қуйидаги устунлигини ўрнатади: “шахс – жамият – давлат”.

Эркин, онгли, мустақил шахс – фуқаролик жамиятининг асосий таркибий қисми. Фуқаролик жамияти – мустақил уюшган халқ бўлиб, у ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий манбаи ва эгасидир. Суверен, демократик, ҳуқуқий давлат шахс ҳамда жамият ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячисидир. Шу маънода конституция – фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартномадир.

Ўзбекистон янги Конституциясини яратиш ғояси 1990 йил 20 июнда Мустақиллик Декларацияси қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Конституцияни яратиш зарурияти ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бунинг албатта ўз сабаблари бор эди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишининг асосий сабаблари: ўзбек халқининг озодлик, эрк ва мустақиллик йўлидаги интилиши; халқнинг бутун бор имконияти ва салоҳиятини ишга солиш, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш; иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократлаштириш, суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, ҳуқуқий нигилизм ва ўзбошимчаликнинг олдини олиш, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш зарурияти каби омиллар ташкил этади.

Биринчи Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун мамлакатнинг кўзга кўринган сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва бошқа мутахассис олимларидан таркиб топган 64 кишидан иборат комиссия тузилди. Конституция лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг биринчи ташкилий мажлиси 1991 йил 12 апрелда Президент Ислом Каримов раислигида ўтди. Унда келажаги буюк давлатнинг Конституцияси “ўзбек халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатланиши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак” деган вазифа қўйилди. Бу вазифа замиридаги тамойилларга жавоб бера оладиган халқчил Асосий Қонун яратилди. Унинг қабул қилиниши қонунчиликдаги мустақиллик бўлди.

Конституция лойиҳаси устида икки йил давомида ишланиб, у умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Умумхалқ муҳокамаси давомида жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Халқнинг фикрлари асосида Конституция лойиҳаси янада бойитилиб сайқал топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси туб моҳиятига кўра янги ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда инсон манфаати улуғланади. Инсоннинг ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг давлат ҳуқуқларидан устунлиги тан олинади ва у давлат ҳимоясидадир.

Конституция халқимизга хос бўлган хусусиятлар: меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, одамийлик, ўзга миллатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, иймон ва эътиқод, ор-номус, ифбат ва ҳаё каби эзгу фазилатларга асосланади.

Конституцияда миллий хусусиятлар ҳам ёрқин акс эттирилган. Бу хусусиятлар:

конституцияда мустаҳкамланган қоидаларга миллий қонунчилик ривожланиши учун замин яратилганлиги;

тарихий, этнографик, миллий анъаналар, урф-одатлар ва қадриятларимиз сингдирилганлиги;

маънавий ва маданий тарихий меросни асраш, оила қадриятлари ва миллий-руҳий, демографик, табиат-иқлим, ижтимоий-иқтисодий шароитлар инобатга олинишида намоён бўлади.

Конституцияда яна бир муҳим хусусият ўз ифодасини топган. Бу давлатчилигимизнинг тарихан таркиб топган илғор тажрибаларидан фойдаланилганлигидир. Тарихдан маълумки, биз яшаётган Ватанимиз ҳудудида қонун устуворлиги таъминланиши асосида озодлик ва мустақиллик мустаҳкамланган буюк салтанатлар ҳукм сурган даврлар бўлган. Хусусан, Амир Темур даврини алоҳида таъкидлаш лозим. “Темур тузуклари” ўз даврининг ёрқин “Конституция”си бўлиб, жамиятда устувор равишда амалда бўлган. Ана шу тажрибалардан, ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Улуғбек, Бобур ва албатта ал-Форобий, Навоийларнинг фозил давлат ва адолатли жамият тўғрисидаги таълимотлари шунингдек, бошқа буюк алломалар ҳуқуқий меъросидан фойдаланилганлиги Конституциянинг мазмунини янада бойитган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг мақсади, принциплари, асосий қоидалари, мазмун ва моҳияти негизини белгиловчи улуғвор ғоялар унинг муқаддимасида тўла баён этилган. Конституция муқаддимаси жуда ихчам ва юксак савияга эга. Конституциянинг асосий мақсадлари унинг муқаддимасида белгиланган. Зеро, муқаддимада – Конституциянинг мақсадлари, принциплари ва бошқа асосий қоидаларини кўрсатувчи кириш қисмидир. Муқаддима – Конституциянинг муҳим қисми бўлиб, унда Ўзбекистон халқи ўзининг тўла ҳуқуқли вакиллари – парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутатлари қиёфасида Конституцияни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар ва принципларни қисқа шаклда тантанали равишда эълон қилади. Муқаддимада Ўзбекистоннинг ривожланиш, янгиланиш ва тараққиёт йўли ҳамда янги жамият ва давлат қурилишининг йўналишлари белгилаб берилади. Ушбу истикболдаги мақсадлар сари ривожланишнинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли қуйидаги илғор ҳуқуқий ғояларга таянади. Булар инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитетига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, халқаро ҳуқуқнинг қоида ва талабларини тан олиш, фуқароларнинг фаровон ҳаёт тарзини яратиш, инсонпарвар демократик

хукукий давлатни бунёд этиш, фуқаролар тинчлиги, миллий ва миллатлараро тотувликни таъминлашдан иборат. Бу ғоялар халқимизни ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, миллий ва урф-одатлар ва анъаналарга мувофиқ адолатли фуқаролик жамияти ва демократик хукукий давлат қурилишидаги ягона мақсад йўлида бирлаштиради ва жипслаштиради.

Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ушбу мақсадларга етишишнинг мустаҳкам хукукий кафолатидир. У мустақил сиёсий-хукукий ривожланиш ва конституциявий тузумнинг ўзаги бўлди. Ўзбекистон Республикасининг, Президенти Илҳом Каримов таъкидлаб ўтганидек, “табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, рухиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳофаза этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.”²

Муқаддимада Ўзбекистон халқининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида қайси сиёсий, хукукий негиз ва принципларига таяниши аниқ кўрсатиб берилган.

“Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига солдиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик хукукий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади”³.

Конституциянинг муқаддимаси сезиларли мафкуравий тусга эга, лекин бу унинг Конституциянинг узвий таркибий қисми сифатидаги юридик аҳамиятини камайтирмайди. Бу юридик аҳамият шундан иборатки, Конституциянинг барча нормалари муқаддимада эълон қилинган принципларга мос келиши ва улар асосида изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси чинакам демократик конституциядир, у тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида


² Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг хукукий кафолати. Т., 1993.6-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Тошкент:”Ўзбекистон”, 2012. 3-бет.

мужассам этган. Ҳақиқатдан ҳам, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликни нозик асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш. Заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдир”⁴.

Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек “Бизнинг қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди”⁵. Шу маънода у ҳар қандай илғор давлат конституцияси билан бемалол куч синашмоқда. Шунинг учун ҳам Конституциямиз энг илғор ғояларни ўзида мужассамлаштирганлиги, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганлигини бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси



Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг кенг доирадаги соҳаларини қамраб олиб, моддаларининг қисқалиги ва аниқлиги ҳамда алоҳида тузилиши билан ажралиб

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993. 74-б.

⁵ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т., 1996.-48-49-б.

туради. У 128 моддадан иборат бўлиб, 26 бобни бирлаштирувчи 6 бўлимни ўз ичига олади. Ўзбекистон Конституцияси тузилишининг мазмуни фуқаролар орасида тотувлик, миллий ва ижтимоий ҳамжиҳатлик, шахс эркинлиги ва сайлов эркинлиги, сиёсий барқарорлик, фаровонлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, давлатнинг инсон ва фуқаролар олдидagi ўз бурчини бажаришга эришишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, шунингдек, ташқи сиёсатдан иборат. Бу принциплар Конституциянинг бошқа қоидалари учун дастлабки норматив асосдир.

Конституциянинг биринчи бўлими қуйидагиларга имкон беради: биринчидан, конституциявий тузумнинг асосларини билиб олиш; иккинчидан, қонунлар ва қонунийликка баҳо беришга имкон берадиган ишончли меъзонларга эга бўлиш;

учинчидан, давлатчилик асоси сифатидаги ягона совет тизимидан воз кечишдан келиб чиқадиган ҳокимиятнинг янги концепциясини билиб олиш;

тўртинчидан, шахс ҳуқуқий мақомининг асосини белгилаш.

Суверенитет замонавий конституциявий ва халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан биридир. Суверенитет иккита ўзаро боғлиқ шаклга эга: халқ (миллат) суверенитети ва давлат суверенитети.

Халқ суверенитети - фақат халқ (миллат)гина давлатнинг асоси ва манбаи эканлигини билдиради. Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасида халқ суверенитети ғояси тўла ўз ифодасини топган. Ҳозирги пайтда халқ суверенитети принципи ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи бутун жаҳон халқаро ва конституциявий ҳуқуқида эътироф этилган.

Давлат суверенитети - ҳеч кимнинг хоҳошига боғлиқ эмаслигини халқнинг суверен иродасини ифода этувчи давлат ҳокимияти ички ишларда ва халқаро муносабатларда бутунлай мустақил эканлигини билдиради. Давлат суверенитети биринчидан, мамлакатнинг ҳудудида давлат ҳокимияти устун; иккинчидан, давлат бошқа давлатлар билан қандай муносабатда бўлишини ўзи белгилайди, бошқа давлат эса унинг ички ишларига аралашиб ҳуқуқига эга эмас деганидир.


Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг ажралмас сифатлари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси суверенитети унинг бутун ҳудудида амалда бўлиши, ўз ички ва ташқи сиёсатини мустақил белгилаши, бутун ҳудудда устунликка эга конституция ва қонунларни қабул қилиши, ўз ҳудудининг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳуқуқини билдиради.

Давлат суверенитети

Давлат суверенитети:

1. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети унинг бутун ҳудудида амал қилади.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида устунликка эга.
3. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудининг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг сифатлари



“Аукцион” технологияси асосида

Давлат бу ...	
Республика бу ...	
Демократия бу ...	
Референдум бу ...	
Ҳуқуқий давлат бу ...	
Фуқаролик жамияти бу ...	
Конституция бу ...	
Давлат суверенитети бу ...	
Халқ суверенитети бу ...	
Демократиянинг муҳим белгилари бу ...	
Сайлов бу ...	
Муҳолифат бу ...	
Парламентдаги кўпчилик бу ...	
Кўппартиявийлик тизими бу ...	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛГАН ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-бўлимида конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби ифодаланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади (127-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокаamani ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Конституциясига биринчи ўзгартириш киритилди: “150 нафар депутатдан” деган сўзлар (77-модда, 1-қисми) “депутатлардан” деган сўз билан алмаштирилди.⁶ 1994 йил 22 сентябрда “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида” конституциявий қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Парламентининг номи Олий Мажлис деб ўзгартирилди.

2001 йил 6 декабрда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессиясида референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2002 йил 27 январда Ўзбекистонда умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдумга қуйидаги саволлар киритилди:

- *Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентининг икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?*
- *Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?*

Умумхалқ референдуми натижаларига биноан, Олий Мажлиснинг VIII сессиясида, 2003 йил 24 апрелда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонун қабул қилинди. Мазкур конституциявий қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи навбатда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари, амнистия эълон қилиш ваколати Олий Мажлиснинг Сенатига ўтказилди. 89-модданинг қуйидаги 2-хатбошиси олиб ташланди: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади”.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994, 1-сон, 5-модда.

2002 йил 27 январда ўтказилган референдум якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати беш йилдан етти йил қилиб ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуни Ўзбекистон Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” мавзусидаги маърузасида давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлган мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш йўллариини белгилаб берди. Шунга кўра, 2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддаси 1-қисмининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Лойиҳа юзасидан кенг жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрганиб чиқилди ва бунинг натижаси ўлароқ 2007 йил 29 мартда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қонун қабул қилинди.


Давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равшан белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида 2007 йил 11 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддаси 1-қисмининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Шу ўринда Ўзбекистон Конституциясига киритилган қуйидаги муҳим ўзгаришлар ва қўшимчаларга эътибор қаратиш лозим.

1. Ўзбекистон Конституциясининг 89-моддаси янги таҳрирда баён этилди:

“Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг қилишилган фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид “парламентдаги кўпчилик” тушунчаси киритилди.

Парламентдаги кўпчиликни ҳосил қилиш асослари



Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид “муҳолифат” тушунчаси ҳам киритилди.

Муҳолифат ва унинг ҳуқуқлари.



2.Ўзбекистон Конституцияси 93-моддаси 1-қисмининг 15-банди қуйидагича таҳрир қилинди:

“Ўзбекистон Президенти:

15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади.Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли”.

3.Ўзбекистон Конституциясининг 102-моддаси иккинчи қисми қуйидаги таҳририда қабул қилинди:

“Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади, ҳамда лавозимидан озод этилади”.

Ушбу қонун 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.

Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи ва мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Президент у ёки бу ҳокимият тармоғига кирмайди, балки бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Президент Ислом Каримов 2007 йил 11 апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида навбатдаги қадам бўлди.

2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам Президент айнан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан оғишмай янада илдамлаб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу маъруза ўта долзарб аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Маърузада Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, ”ўтган давр мобайнида мамалакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга тадбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга, қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтиришга, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди”⁷.

Президент Ўзбекистон парламенти палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида 6 та энг муҳим устувор йўналишни илгари сурди. Мазкур йўналишлар ичидан биринчи устувор йўналиш “Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш” деб номланиб, Конституциянинг айрим моддаларига ўзгартириш киритиш назарда тутилган эди:

1) Конституциянинг 98-моддасига ўзгартириш киритиш:

- Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодаладиган янги тартиб ўрнатиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқини бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига таалукли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини Ўзбекистон Президентининг ваколатлари доирасидан чиқариш.

2) Конституциянинг 96-моддасига ўзгартириш киритиш:

- Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда тутиладиган йўлнинг янги тартиби: Президент ваколатларини Олий Мажлис палаталарининг қўшма ғавқулотда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан вақтинча сайланган шахс эмас, Олий Мажлис Сенатининг Раиси вақтинча бажаради.

3) Конституциянинг 78-моддаси 1-қисмининг 15-бандини тўлдириш:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари доирасига Бош вазир ҳисоботларининг тингланишини киритиш.

4) Конституциянинг 93-моддаси 15-бандини тўлдириш:

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимида биноан вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг Ўзбекистон Президенти томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши.

5) Конституциянинг 93-моддаси 8-бандини ўзгартириш:

- Ўзбекистон Президенти ваколатлари доирасидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ваколатининг чиқарилиши.

6) Конституциянинг 93-моддаси 16-бандини тўлдириш:

⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 8-бет.

■ Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли экани.

7) Конституциянинг 93-моддаси 12-бандини ўзгартириш:

■ Ўзбекистон Президентининг ваколатлари доирасидан Бош прокурорнинг ўринбосарларини тайинлаш ваколатининг чиқарилиши ва унинг ўрнига Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ваколатининг киритилиши.

2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонуни⁸ қабул қилинди. У 2011 йил 4 мартда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди, 2011 йил 25 мартда эса Сенат томонидан мақулланди. 2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган (№ЎРҚ - 284) Қонун, унинг охириги – 2-моддасига биноан расмий эълон қилинган кундан (19 апрелдан) эътиборан кучга кирди. Ушбу Қонунга асосан Ўзбекистон Конституциясига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг мазмуни куйидагича:

78-модда, 1-қисм: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари куйидагилардан иборат:

15-банд *Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш*”.

80-модда: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:

6-банд *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш*”.

93-модда, 1-қисм: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

8-банд *республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади*”.

12-банд *Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади*”.

15-банд *Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат*

⁸ “Халқ сўзи”, 2011 йил 19 апрель, №76(5243), 1-бет.

содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишига ҳақли.

16-банд республика давлат бошқарув органларининг шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилишига ҳақли”.

96-модда “Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларни бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади.

98-модда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақолпоғистон Республикаси Ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик

ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг яримидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолатда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилди.

Ушбу тузатишнинг мазмуни қуйидагича:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

“РОЛЛИ ЎЙИН” ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар

1-босқич:

Ўқув гуруҳи бирор метод орқали олтига гуруҳга бўлинади (гуруҳнинг ҳар бирига биттадан модда берилади, янги ва эски Конституциядан) Сўнгра тақдимот учун ҳар бирига биттадан қоғоз ва Конституция берилади. Тайёргарлик учун 20 дақиқа ажратилади.

2-босқич: 1992 йилги Конституциядан

1-гуруҳга-77-78-80-моддалар;

2-гуруҳга-89-90-93-96-моддалар;

3-гуруҳга-98-102-моддалар;

2012 йилги Конституциядан

4-гуруҳга-77-78-80-моддалар;

5-гуруҳга-89-90-93-96-моддалар;

6-гуруҳга-98-102-моддалар;

3-босқич:

Ҳар бир гуруҳдан биттадан тақдимот қилинади, яъни:

1,4-гуруҳлардан-77-78-80-моддалар тақдимоти;

2,5- гуруҳлардан -89-90-93-96-моддалар тақдимоти;

3,6- гуруҳлардан -98-102-моддалар тақдимоти;

4-босқич:

Яқунлаш ва баҳолаш.

Президент Ислом Каримов давлат ҳокимияти ва бошқарувчини демократлаштириш, янада лебераллаштириш, дунёдаги ривожланган давлатлар бошқаруви тизимига мос тизимга ўтиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди. 2010 йил 12 ноябрда мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан республика парламенти палаталарининг қўшма мажлисида қилинган маъруза давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қабул қилинган мазкур конституциявий қонунлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди. Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг ваколатларига тааллуқли бўлган айрим боблари, моддалари, моддаларнинг қисмлари ва бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Конституцияга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлардан мақсад, бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, Ўзбекистон Президентининг ваколатларини тааллуқлилигига кўра тақсимлаш кабилар назарда тутилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.Т.,1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т., 1996.
4. Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т., 1993.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.,1993.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.:”Ўзбекистон”, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.:”Ўзбекистон”, 2003.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.:”Ўзбекистон”, 2008.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.:”Ўзбекистон”, 2012.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси,1994, 1-сон.
6. “Халқ сўзи”, 2011йил 19 апрель, №76(5243)

Махсус адабиётлар

1. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан: Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатнинг салоҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган /ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎЗР маҳалла жамғармаси; масъул ижодий гуруҳ. А.Ш. Бекмуродов (ва бошқ.). – Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2011.
2. Маматов Х. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари.Т.:”ЮРИСТ-МЕДИА МАРКАЗИ”, 2009.
3. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” курси ўқув қўлланмаси. – Т.: “Шарқ”, 2009.
4. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т.:”Шарқ”, 2002.